

UZBEKINVEST	Транспорт воситаларини ихтиёрий сұғурта қилиш шартномасы	FK-56_K1_K3_K10 uz
GK 23		Бетлар: 17 дан 1 бет Сана: 01.11.2021 й.

**«ЎЗБЕКИНВЕСТ» ЭКСПОРТ-ИМПОРТ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ**  
**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**  
 Тошкент ш., Чўпон ота к., 6

**Транспорт воситаларини ихтиёрий сұғурта қилиш**  
**№03-06/0411167103**

Тошкент шаҳри

2022 йил 04 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 11 декабрдаги SF 00006-сон лицензияси асосида иш фаолияти олиб борувчи, кейинчалик «Суғурталовчи» деб аталувчи **«Ўзбекинвест» экспорт-импорт сұғурта компанияси** Акциядорлик жамияти номидан 2021 йил 05 январдаги №01/2-сонли Ишончнома асосида ҳаракат қылувчи Компаниянинг Тошкент шаҳар филиали Корпоратив мижозлар билан ишлаш департаменти Бош менежери Д.С.Маманов, бир томондан, ва кейинги ўринларда «Суғурта қилдирувчи» деб аталувчи **«Агробанк» АТБ Марказий амалиётлар бошқармаси** номидан 2022 йил 15 августрасы 03-24/344 - сенинг ишон гиояна асосида иш юритувчи **«Агробанк» АТБ Марказий амалиётлар бошқарма** бошлиғи Ф.Ш.Набиев иккинчи томон бўлиб ушбу Шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар:

### **1-БЎЛИМ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ ВА СУҒУРТА ОБЪЕКТИ**

1.1. Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини ушбу Шартномада кўрсатилган микдор ва муддатларда тўлаши эвазига Суғурталовчи ушбу Шартномада назарда тутилган шартларга ва/ёки ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган қўшимча равишда келишилган шартлар, индоссаментлар, истиснолар ҳамда иловаларга мувофиқ, суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурта қилдирувчига/Наф олувчига етказилган зарарни қўйида келтирилган ҳажмда ва муддатда қоплаш мажбуриятини олади.

1.2. Ушбу Шартномада кўрсатилган қалтисликларнинг бевосита суғурта ҳодисасининг юз бериши натижасида транспорт воситасига етказилган зарар бўйича, Суғурта қилдирувчининг ёки Наф олувчининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган, суғурталанган транспорт воситаларига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва бошқариш билан боғлиқ мулкий манфаатлари суғурта объектидир.

### **2-БЎЛИМ. ТАЪРИФЛАР**

Ушбу Шартномада фойдаланилган атамалар, агар уларнинг бошқа маънолари алоҳида келишиб олинмаган бўлса, қўйидагича таърифланади:

**2.1. Суғурта полиси** – ушбу Шартнома тузилганини тасдиқлайдиган, Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини ёки унинг биринчи қисмини тўлаганидан кейин унга бериладиган ҳужжат.

**2.2. Суғурта мукофоти** – Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи ушбу Шартномада белгиланган тартиб ва муддатларда Суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта учун тўлов.

**2.3. Транспорт воситалари** (матнда кейинги ўринларда ТВ деб аталади) – ҳаракатланадиган темир йўл таркибидан ташқари двигатель билан жиҳозланган енгил автомобиллар, юқ автомобиллари, автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар, мототранспорт, тракторлар, корда юрадиган машиналар, ўзиорар машина ва механизмлар ҳамда йўловчиларни, йўловчиларнинг бағажларини ва юкларни ташиш учун фойдаланиладиган тиркамалар, ярим тиркамалар ва роспусклар.

**2.4. Суғурталанган ТВ** – ушбу Шартномага асосан суғурталанган транспорт воситаси.

**2.5. Ҳайдовчи** – амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ТВ ни бошқаришга ҳуқуқи бўлган шахс.

**2.6. Йўловчилар** – Суғурта ҳодисаси юз берган пайтда суғурталанган ТВ да бўлган, шунингдек унга кираётган ёки ундан чиқаётган шахслар (ҳайдовчидан ташқари).

UZBEKINVEST	Транспорт воситаларини ихтиёрий сұғурта қилиш шартномасы	FK-56_K1_K3_K10 uz
GK 23		Бетлар: 17 дан 2 бет Сана: 01.11.2021 й.

**2.7. Наф оловчи** – ушбу Шартномага биноан сұғурта түловларини олиш учун Сұғурта қилдирувчи томонидан тайинланган жисмоний ёки юридик шахс.

**2.8. Шартсиз франшиза** – зарарнинг маълум миқдори бўлиб, унинг чегарасида Сұғурталовчи жавобгарликни ўз зиммасига олмайди ва зарарларни қоплашга доир талабларни кўриб чиқмайди. Зарар миқдори шартсиз франшиза чегарасидан ортиқ бўлган тақдирда, ҳар бир сұғурта обьекти ва ҳодисаси бўйича шартсиз франшиза суммаси зарар суммасидан чегириб қолинади

**2.9. Сұғурта даври** – Сұғурта қилдирувчи/Наф оловчи сұғурта мукофотини ўз вақтида тўлаган тақдирда ушбу Шартнома амалда бўладиган давр. Сұғурталовчи Сұғурта полисида кўрсатилган сұғурта даври мобайнида юз берган сұғурта ҳодисалари учун мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

**2.10. Сұғурта худуди** – ушбу Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган мамлакатлар худуди бўлиб, ана шу худудда ТВ га сұғурта ҳимояси тақдим қилинади.

**2.11. Ўғирлик** – ТВ ни ёки унинг мустақил механизмлари, деталлари, тизимлари, узеллари, қурилмалари ва/ёки тузилмаси қисмларининг ноқонуний йўл билан эгаллаб олиш мақсадида ўғирлаб кетиш, олиб қочиш, босқинчлилек қилиш

**2.12. Учинчи шахсларнинг қонунга зид ҳатти-ҳаракатлари** – Сұғурта қилдирувчи, Наф оловчи ва ҳайдовчи ҳисобланмаган шахслар томонидан ТВ ни ёки унинг алоҳида қисмларини йўқолиши ёки заарланиши.

**2.13. Сұғурта ҳодисаси** – кўзда тутилган сұғурта ҳодисасининг ҳақиқатда содир бўлиши билан Сұғурталовчи Сұғурта қилдирувчи/Наф оловчи ёки учинчи шахсларга сұғурта қопламасини тўлаб бериш мажбуриятининг юзага келиши.

**2.14. Сұғурта қопламаси** - Сұғурта ҳодисаси содир бўлиши натижасида етказилган зарарни қоплаш учун сұғурта пули доирасида Сұғурта қилдирувчига тўланадиган пул маблағлари.

### 3-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАЛАРИ

#### 3.1. ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИНГ НОБУД БЎЛИШИ ЁКИ ЗААРЛАНИШИ

##### 3.1.1. Таърифлар

**Сұғурта пули** – ушбу Шартнома 1-иловасининг 3(А) қисмида кўрсатилган пул маблағлари миқдори бўлиб, Сұғурталовчи ана шу миқдор чегарасида ушбу 3.1-банд бўйича Сұғурта қилдирувчига/Наф оловчига сұғурта қопламасини тўлаш мажбуриятини олади.

**Сұғурта ҳодисаси** – сұғурта даврида сұғурта худуди доирасида юз берган, Сұғурта полисида кўрсатилган қалтисликлардан бири (йўл-транспорт ҳодисаси, ёнгин, портлаш, предметлар зарбаси, табиий оғатлар ҳамда учинчи шахсларнинг қонунга зид ҳаттиҳаракатлари) натижасида сұғурталанган ТВ нинг нобуд бўлиши ёки заарланиши.

**Транспорт воситасининг нобуд бўлиши** – ТВ ни қайта тиклаш харажатлари унинг ҳақиқий қийматидан ошиб кетадиган даражада заарланишини англаради.

**Сұғурта қопламаси** – ушбу 3.1-бандда келишилган сұғурта ҳодисаси содир бўлганда Сұғурта қилдирувчига етказилган зарарни қоплаш учун Сұғурталовчи Сұғурта қилдирувчи/Наф оловчига сұғурта пули чегарасида, ушбу Шартнома 1-иловасининг 3 (В) қисмида кўрсатилган шартсиз франшиза суммасини чегириб қолган ҳолда тўлайдиган пул маблағлари миқдори.

**Товар қўринишининг йўқолиши** – ушбу 3.1-бандда келишилган сұғурта ҳодисаси оқибатида етказилган заарлар таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш орқали бартараф қилингандан сўнг сұғурталанган ТВ нинг ҳақиқий қийматининг камайишини англаради.

##### 3.1.2. Махсус истиносолар

Ушбу Шартномага биноан қуйидагилар натижасида етказилган зарар қопланмайди:

а) ТВ нинг, шу жумладан унинг алоҳида деталлари ва узелларининг ишлаши натижасида табиий эскириши ва емирилиши;

Аmmo ТВ нинг табиий эскириши сабабли йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиши натижасида нобуд бўлиши ёки заарланиши ушбу Шартномага биноан қопланади;

б) ТВ нинг товар қўринишининг йўқолиши ҳамда ишлаб чиқарувчи заводнинг нуқсони;

<b>UZBEKINVEST</b>  <b>GK 23</b>	<b>Транспорт воситаларини ихтиёрий сұғурта килиш шартномасы</b>	<b>FK-56_K1_K3_K10 uz</b>  <b>Бетлар: 17 дан 3 бет</b> <b>Сана: 01.11.2021 й.</b>
--	---	--

в) йўлнинг нотекислиги натижасида, ўткир нарсаларни босиши туфайли шиналарнинг шикастланиши, агар бу шикастланиш ТВ нинг нобуд бўлиши ёки заарланишига олиб келмаган бўлса;

г) Сұғурта қилдирувчининг сұғурталанган ТВ ўзгартирилиши ва/ёки такомиллаштирилиши билан боғлиқ харажатлари.

#### **4-БЎЛИМ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР**

4.1. Ушбу Шартномага кўра қўйидагилар оқибатида юз берган ҳодисалар сұғурта ҳодисалари ҳисобланмайди:

а) Сұғурта қилдирувчи ижарага, лизингга олинган мулкка (Сұғурта қилдирувчининг ТВдан ташқари) ёки ТВ даги мулкка, шунингдек ТВга ортилаётган ёхуд ундан туширилаётган мулкка етказилган ҳар қандай зарар;

б) Сұғурта қилдирувчи ёки унинг ҳайдовчиси томонидан ТВ дан бошқаришни ўргатиш ёки мусобақа ва синовларда қатнашиш мақсадида фойдаланиш;

в) ТВ ни алкоголь, гиёхванд ва/ёки токсик моддалар таъсирида маст ҳолатда бошқариши.

4.2. Сұғурталовчи Сұғурта қилдирувчининг сұғурта ҳодисаси туфайли юзага келиши мумкин бўлган билвосита чиқимларига (жарима, ижарага олинадиган ТВ дан фойдаланиш, таъмирлаш, тиклаш вақтида меҳмонхонада яшаш, хизмат сафари харажатлари, даромадни йўқотиш, бекор туриб қолиш, кафолат муддати тугаши, такси харажатлари билан боғлиқ моддий зарарлар, мъянавий зарар ва б.) нисбатан, шунингдек керагидан ортиқ ҳар қандай бевосита ҳамда билвосита соликлар ва бошқа чиқимларга нисбатан мажбурият олмайди.

4.3. Сұғурталовчи, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда сұғурта қопламасини тўлашдан озод бўлади.

#### **5-БЎЛИМ. СУҒУРТА ПУЛИ ВА СУҒУРТА МУКОФОТИ**

5.1. Тақдим этиладиган ҳар бир сұғурта ҳимояси бўйича сұғурта пули ушбу Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган.

5.2. Ушбу Шартномага кўра умумий сұғурта мукофоти Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган.

5.3. Сұғурта мукофоти томонлар ушбу Шартномани имзолаганларидан кейин 5 (беш) банк куни ичida яхлит тўланади.

5.4. Ушбу Шартномага нисбатан ҳар бир сұғурта ҳодисаси бўйича ушбу Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган микдорда шартсиз франшиза белгиланади.

5.5. Ушбу Шартнома бўйича барча ўзаро ҳисоб-китоблар ушбу Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган валютада амалга оширилади.

#### **6-БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА МУДДАТИ**

6.1. Ушбу шартнома уни томонлар имзолаган пайтдан эътиборан кучга киради ва 2023 йил «23» октябргача амалда бўлади. Ушбу Шартнома бўйича Сұғурталовчи мажбуриятлари сұғурта мукофоти тўлангандан кейин кучга киради ва Сұғурта полисида кўрсатилган сұғурта муддати мобайнида амалда бўлади.

6.2. Сұғурта қилдирувчига Сұғурта полиси сұғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми Сұғурталовчи ҳисоб рақамига келиб тушгандан эътиборан 3 (уч) банк куни ичida, тўланган давр учун берилади.

Агар Сұғурта полисида кўрсатилган сұғурта муддати ушбу Шартноманинг 6.1-бандида келтирилган Шартнома муддатидан ошиб кетса, Шартнома муддати Сұғурта полисида кўрсатилган муддатга мос равишда узайтирилган ҳисобланади.

6.3. Сұғурта мукофоти тўланган кун бўлиб пул маблағлари Сұғурталовчининг ҳисоб рақамига келиб тушган кун ҳисобланади.

6.4. Сұғурта полиси сұғурта мукофоти Сұғурталовчининг ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг 3 (уч) банк куни ичida берилади. Сұғурта полиси йўқолган тақдирда унинг иккинчи нусхаси Сұғурталовчи томонидан Сұғурта қилдирувчининг ёзма аризасига асосан берилади.

UZBEKINVEST	Транспорт воситаларини ихтиёрий сұғурта қилиш шартномаси	FK-56_K1_K3_K10 uz
GK 23		Бетлар: 17 дан 4 бет Сана: 01.11.2021 й.

## 7-БҮЛІМ. ТОМОНЛАРНИҢ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Ушбу Шартнома доирасыда:

### 7.1.1. Сұғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

- а) Наф олувчи ушбу Шартномадаги мажбуриятларидан бирини бажаргунга ёки Сұгурталовчига сұғурта қопламаси түлаш ҳақида талаб қўйилгунга қадар Сұгурталовчига ёзмаравишида маълум қилган ҳолда Наф олувчини алмаштириш;
- б) Сұгурталовчи билан келишиб, ушбу Шартноманинг шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши;
- в) Сұғурта қилдирувчининг сўровига кўра Сұгурталовчидан сұғурта масалалари юзасидан маслаҳатлар олиш;
- г) ушбу Шартноманинг 6.4-бандида кўрсатилган муддатда Сұғурта полисини олиш.

### 7.1.2. Сұғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

- а) сұғурта мукофотларини ушбу Шартномада белгиланган тартиб ва муддатларда түлаш;
- б) ушбу Шартномани тузиш вақтида хабар қилинган шарт-шароит сезиларли ўзгаргани маълум бўлганда, агар бу ўзгаришлар сұғурта ҳодисаси юз бериш хавфи даражаси ўзгаришига жиддий таъсири қиладиган бўлса, бу ҳақда Сұгурталовчига дарҳол хабар бериш;

Кўйидагилар сезиларли ўзгаришлар ҳисобланади: сұгурталанган ТВ нинг ижарага берилиши, гаровга қўйилиши, сотилиши, ҳисобдан чиқарилиши, ЙХХ идораларида қайта рўйхатга олиниши, ТВ дан унинг техник вазифаларига хос бўлмаган мақсадларда фойдаланилиши, калитларининг йўқолиши ёки ўғирланиши, сақлаш (туриш) жойининг ўзгариши, сұгурталанган ТВ ни бошқариш рухсат этилган шахсларнинг сони ўзгариши;

в) ушбу Шартнома доирасыда Сұгурталовчига сұғурта тўлови тўлаш ҳақида талаб қўйилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳодиса юз берганда Сұгурталовчига ва мутасадди ташкилотларга (ЙХХБ, ЁСБ, ИИБ ва б.) ҳодиса юз бергани тўғрисида ушбу Шартноманинг 8.1-бандида кўрсатилган муддатлар ва усулда кечиктирмай маълум қилиш;

г) юзага келган шароитда сұгурталанган ТВ ни сақлаб қолиш, вужудга келиши мумкин бўлган заарларни камайтириш ва олдини олиш учун оқилона ҳамда имкони бор чораларни кўриш. Сұғурта қилдирувчи бундай чораларни қўрар экан, агар Сұгурталовчи томонидан кўрсатмалар берилган бўлса, уларга, шунингдек ишлаб чиқарувчи заводнинг тавсияларига амал қилиши шарт. ТВ ни сақлаб қолиш, вужудга келиши мумкин бўлган заарларни камайтириш мақсадида қилинган харажатлар, агар бундай харажатларга зарурат туғилиб, Сұгурталовчининг кўрсатмаларини бажариш учун қилинган бўлса, ва ҳатто тегишли чоралар самара бермаган бўлса ҳам, улар Сұгурталовчи томонидан қопланади;

д) ТВ ни кўрикдан ўтказиш жойи, санаси ва вақтини Сұгурталовчи билан келишиб олиш;

е) ушбу Шартнома доирасыда Сұгурталовчига сұғурта тўлови тўлаш ҳақида талаб қўйилишига олиб келиши мумкин бўлган сұғурта ҳодисаси юз берганда Сұгурталовчининг розилигисиз ускуналарни демонтаж қилиш ёки ТВ ни таъмирлаш ишларини бошламаслик;

лекин ҳайдовчи ва/ёки йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ёки ваколатли идораларнинг буйруқ ҳамда фармойишларини бажариш учун зарур бўлган ҳоллар бундан мустаснодир;

ж) ушбу Шартноманинг 8.2-бандида кўрсатилган, юз берган ҳодисанинг барча тафсилотларини ўрганиб чиқиш учун зарур бўлган ҳамма ҳужжатларни Сұгурталовчига тақдим этиш;

з) сұгурталанган ТВ ни ишлатиш ва унга хизмат кўрсатиш йўриқномаларига (қоида, қўлланмаларга) амал қилиш, шунингдек ундан сұғурта қилиш учун берилган аризада кўрсатилган мақсадлардагина фойдаланиш;

и) сұгурталанган ТВ ни бошқарадиган шахсларни ушбу Шартноманинг талаблари билан таништириш;

к) ушбу Шартнома доирасыда бирон-бир талабни асослаши мумкин бўлган ҳодиса юз берганда ТВ ни қаровсиз қолдирмаслик ҳамда зарар ёки йўқотишларнинг кўпайишини олдини олиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар кўриш; агар ТВ Сұгурталовчининг розилигисиз ишга туширилган бўлса (хавфсизликни таъминлаш ёки тегишли идораларнинг буйруқларини ижро этиш

<b>UZBEKINVEST</b> <b>GK 23</b>	<b>Транспорт воситаларини ихтиёрий суғурта қилиш шартномаси</b>	<b>FK-56_K1_K3_K10 uz</b> Бетлар: 17 дан 5 бет Сана: 01.11.2021 й.
------------------------------------	---	--

учун зарур бўлган ҳоллар бундан мустаснодир), у ҳолда ҳар қандай заарнинг ортиқча миқдори ушбу Шартномага мувофиқ тўланадиган суғурта қопламасидан чиқариб ташланади;

л) Суғурталовчига ёки унинг вакилларига исталган вақтда ТВ ва унинг қисмларини кўздан кечиришга тўсқинлик қилмаслиқ;

м) Суғурталовчидан олинган ахборотни ошкор қилмаслик; аммо Суғурта қилдирувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ давлат органлари ва бошқа ташкилотларга ахборот беришга мажбур бўлган ҳоллар бундан мустаснодир.

#### 7.1.3. Суғурталовчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

а) суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини камайтиришга қаратилган олдини олиш чораларини амалга ошириш;

б) агар зарар юзага келиши муносабати билан Суғурта қилдирувчига нисбатан суриштирув ёки суд текшируви тайинланган бўлса, суғурта қопламаси тўлашни ана шу суриштирув ёки текширув тугагунга қадар кечикириш;

в) Суғурта қопламаси тўлашни рад этиш, агар Суғурта қилдирувчи/Наф оловчи:

- содир бўлган суғурта ҳодисаси ҳақида Суғурталовчини ўз вақтида узрли сабабсиз хабардор қилмаса;

- хабарномани олганидан кейин 60 кун мобайнида суғурта ҳодисасининг мавжудлиги, тури ва сабабларини аниқлаш учун зарур бўлган хужжат ва маълумотларни тақдим этмаса;

- Суғурта полисидан бирон-бир наф ундириш мақсадида ёлғон воситалар ёки усуулларни қўлласа;

- зарар етказган шахсга даъвосидан ёки унга қўйилган талабларнинг қондирилишини таъминловчи ҳуқуқларидан воз кечган, шунингдек регресс талабини қўйиш учун зарурий хужжатларни Суғурталовчига беришни рад этган бўлса;

г) қалтислик даражаси ортишига сабаб бўлувчи ҳолатлардан хабардор бўлган тақдирда ушбу Шартнома шартлари ўзгарилишини ёки қўшимча суғурта мукофоти тўланишини талаб қилиш;

Агар Суғурта қилдирувчи ушбу Шартнома шартлари ўзгарилишига ёки қўшимча суғурта мукофоти тўлашга эътиroz билдиrsa, Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда Шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга;

д) Суғурта қилдирувчи ушбу Шартноманинг 7.1.2 (б) бандида кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган тақдирда Шартнома бекор қилинишини ва Шартнома бекор қилинишидан кўрилган заарлари қопланишини талаб этиш;

е) ушбу Шартномага кўра Суғурталовчига талаб қўйилишига асос бўлиши мумкин бўлган ҳодиса юз берганлиги ҳақида узрли сабабларсиз ваколатли ташкилотларга хабар беришнинг ушбу Шартномада белгиланган муддатларига риоя этилмаган тақдирда суғурта қопламаси тўлашни рад этиш. Суғурта қилдирувчига боғлиқ бўлмаган, хужжатлар билан тасдиқланган сабаблар узрли сабаблар ҳисобланади.

#### 7.1.4. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

а) ушбу Шартноманинг 6.4-бандида белгиланган муддатларда Суғурта полисини бериш;

б) барча зарур хужжатлар олингандан ва суғурта ҳодисаси юз берганлиги тан олингандан кейин ушбу Шартномада келишилган миқдор ҳамда муддатларда суғурта қопламаси тўлаш;

в) ушбу Шартнома амалда бўлган даврда Суғурта қилдирувчидан олинган ахборотни ошкор қилмаслик; аммо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ Суғурталовчи давлат органлари ва бошқа ташкилотларга ахборот бериши мажбур бўлган ҳоллар бундан мустаснодир.

7.2. Наф оловчи фойдасига ушбу Шартномани тузиш Суғурта қилдирувчини, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган ёхуд Суғурта қилдирувчининг зиммасидаги мажбуриятлар Наф оловчи томонидан бажарилмаган бўлса, ушбу шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

UZBEKINVEST	Транспорт воситаларини ихтиёрий суғурта қилиш шартномаси	FK-56_K1_K3_K10 uz
ГК 23		Бетлар: 17 дан 6 бет Сана: 01.11.2021 й.

## **8-БҮЛМ. ДАЬВОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ**

8.1. Ушбу Шартнома доирасида Суғурталовчига суғурта қопламаси тўлаш ҳақида талаб қўйилишини асослаб берувчи ҳодиса рўй берганда Суғурта қилдирувчи:

8.1.1. Бу ҳақда Суғурталовчини ёки Суғурталовчи даъваларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш ваколатини берган ташкилот – «Ўзбекинвест Асистанс» сервис агентлигини имкон қадар ҳар қандай усул билан, аммо суғурта ҳодисаси юз бергандан сўнг 48 соат ичидаги хабардор қилиши ва Суғурталовчига ёки «Ўзбекинвест Асистанс» сервис агентлигига 5 (беш) банк куни мобайнинда зарарга таъсири кўрсатган сабаблар ҳамда ҳолатлар кўрсатилган ёзма аризани юбориши шарт. 3.3-бандда кўрсатилган суғурта ҳодисаси юз берганда, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчини 30 кун мобайнинда хабардор қилиши шарт.

8.1.2. Бу ҳодиса ҳақида мутасадди ташкилотларни (ЙҲХ, ЁСБ, ИИБ ва б.) дарҳол хабардор қилиб, ҳодиса юз берган жойда баённома ёки маъмурий далолатнома туздириши зарур.

8.1.3. Заарланган ТВ ни қайта тиклаш ишлари бошланмасдан олдин уни кўздан кечириш учун Суғурталовчига кўрсатиши, бундай имконият бўлмаганда ТВ нинг заарланган қисмлари суратини олиши ёки видеотасвирга тушириши шарт.

8.2. Суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз берганлиги ҳақидаги ёзма аризасига қўйидаги хужжатларнинг асл нусхаларини илова қилиши лозим.

### **8.2.1. ТВ нобуд бўлганда ёки заарланганда:**

а) Суғурта полиси;

б) юз берган ҳодиса тафсилотларини текширишга ваколати бўлган тегишли ташкилотлардан олинган маълумотнома;

в) ТВ рўйхатга олинганлиги ҳақида гувоҳнома (техник паспорт);

г) ҳайдовчилик гувоҳномаси;

д) зарур ҳолларда ҳайдовчининг суд-тиббий экспертизаси хулосаси;

е) йўл вараги, Суғурта қилдирувчи номидан ТВ га эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, идора қилиш учун берилган ишончнома ёки ишончномага тенглаштирилган бошқа хужжат;

ж) баҳолаш фаолиятини амалга оширишга руҳсатномаси (лицензияси) бўлган баҳоловчи ташкилот томонидан тузилган, қилинадиган барча ишлар, ТВ ни қайта тиклаш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ва материаллар рўйхати кўрсатилган моддий зарарни баҳолаш нарядибуюртмаси/калькуляцияси;

з) автотранспорт воситаларининг кузови лак-бўёқ қопламаси қисмига, ташки ёритгич қисмига, ойнасига, антенасига, молдингларга, эмблемаларга ва бошқа ташки қисмларига бир оз, яъни кичик зарар етганда ҳамда зарар қисми суғурта суммасининг 5 % гача, бироқ 15 млн. сўмдан кўп бўлмаган миқдорда тегишли идораларнинг маълумотисиз суғурта ҳодисасини кўриб чиқлади, лекин суғурта ҳодисаси бўлганлигини суғурталаовчи ёки унинг ишончли вакили томонидан автотранспорт воситасига етказилган зарар З кун ичидаги суғурта даъвоси делосида фото/видео воситаларида муддати билан қайд қилиниши лозим.

8.2.2. ТВ ёки унинг агрегатлари, деталлари, узеллари, тизимлари, қурилмалари ва/ёки конструкциясининг қисмлари ўғирланганда, шунингдек ўғирлаш оқибатида ТВ нобуд бўлганда ёки заарланганда:

а) Суғурта полиси;

б) суғурта ҳодисаси юз бериши тафсилотларини текширишга ваколати бўлган суриштирув ташкилотларидан олинган маълумотнома;

в) ТВ рўйхатга олинганлиги ҳақида гувоҳнома (техник паспорт);

г) йўл вараги, Суғурта қилдирувчи номидан ТВ га эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, идора қилиш учун берилган ишончнома ёки ишончномага тенглаштирилган бошқа хужжат;

д) баҳолаш фаолиятини олиб боришга лицензияси бўлган баҳоловчи ташкилот томонидан тузилган барча ишлар, ТВ ни қайта тиклаш учун керакли бўлган эҳтиёт қисмлар ва материаллар рўйхати кўрсатилган моддий зарарни баҳолаш нарядибуюртмаси/калькуляцияси.

### **Изоҳ**

Автотранспорт воситаларининг кузови лак-бўёқ қопламаси қисмига, ташки ёритгич қисмига, ойнасига, антенасига, молдингларга, эмблемаларга ва бошқа ташки қисмларига бир оз, яъни кичик зарар етганда ҳамда зарар қисми суғурта суммасининг 5 % гача, бироқ 15 млн. сўмдан

<b>UZBEKINVEST</b> <b>GK 23</b>	<b>Транспорт воситаларини ихтиёрий сұғурта қилиш шартномаси</b>	<b>FK-56_K1_K3_K10 uz</b> <b>Бетлар: 17 дан 7 бет</b> <b>Сана: 01.11.2021 й.</b>
------------------------------------	---	--

күп бўлмаган миқдорда тегишли идораларнинг маълумотисиз сұғурта ҳодисасини кўриб чиқилади, лекин сұғурта ҳодисаси бўлганлигини сұғурталовчи ёки унинг ишончли вакили томонидан автотранспорт воситасига етказилган зарар З кун ичida сұғурта даъвоси делосида фото/видео воситаларида муддати билан қайд қилиниши лозим.”

**8.2.3. Учинчи шахсларга тан жароҳатлари ёки моддий зарар етказилганда:**

а) Сұғурта полиси;

б) содир бўлган ҳодиса муносабати билан Сұғурта қилдирувчи олган ҳужжатлар (учинчи шахснинг дাъво аризаси, хатлар, чақириқ қоғозлари ва б.);

в) ҳодиса рўй берган жойда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар (ЙҲҲ, ЁСБ, ИИБ ва б.) вакиллари тузган баённома ёки далолатнома;

г) ҳайдовчи ва учинчи шахсларнинг суд-тиббий экспертизаси хulosаси;

д) суд қарори.

**8.2.4. Ҳайдовчи ва/ёки йўловчилар тан жароҳатлари олганларида:**

а) Сұғурта полиси;

б) ҳодиса юз берган жойда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар (ЙҲҲ, ЁСБ, ИИБ ва б.) вакиллари тузган баённома ёки далолатнома;

в) ҳайдовчи ва/ёки йўловчининг суд-тиббий экспертизаси хulosаси;

г) ЙТҲ натижасида рўй берган баҳтсиз ҳодиса сабабли Ҳайдовчи ва йўловчининг меҳнат қобилияти вактинча ёки доимий йўқолганини тасдиқловчи даволаш муассасаларининг ҳужжатлари (Ҳайдовчи ва/ёки йўловчининг касаллик тарихидан кўчирма, ТМЭК хulosаси);

д) Ҳайдовчи ва/ёки йўловчи ҳалок бўлган тақдирда – Ўлим ҳақида гувоҳнома.

8.3. Воқеа тафсилотларини аниқлаш мақсадида зарур ҳолларда Сұғурталовчи мазкур сұғурта ҳодисасига тааллуқли бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.4. Ушбу воқеага тааллуқли барча тафсилотлар ўрганиб чиқилгандан кейин Сұғурталовчи содир бўлган воқеанинг сұғурта ҳодисаси деб тан олиниши ёки олинмаслиги ҳақида қарор чиқаради.

8.4.1. Сұғурталовчининг сұғурта товонини ёки сұғурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори сұғурта қилдирувчига (Наф олувчига) улар сұғурта товонини ёки сұғурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

8.4.2. Воқеа Сұғурталовчи томонидан сұғурта ҳодисаси деб тан олинган тақдирда тўланиши лозим бўлган сұғурта қопламасининг миқдори белгиланиб, у Сұғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномада кўрсатилади.

8.5. Агар сұғурта ҳодисаси юз берганлиги юзасидан жиноий иш, фуқаролик иши ёки маъмурий иш қўзғатилган бўлса, Сұғурталовчи тўланиши лозим бўлган пулни тўлаш масаласини ҳал этишни ваколатли ташкилотлар тегишли қарор қабул қилгунларига қадар кечиктиришга ҳақли.

## **9-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҚОПЛАМАСИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

9.1. Ушбу Шартномага биноан сұғурта қопламаси қуйидагича тўланади:

**9.1.1. ТВ побуд бўлгандан ёки ўғирланганда** – етказилган заардан белгиланган шартсиз франшиза миқдорини чегириб қолган ҳолда, лекин ушбу Шартноманинг 1-илювасининг 3 (А) қисмида кўрсатилган сұғурта пулидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

**9.1.2. ТВ заарланганда** – белгиланган шартсиз франшиза миқдорини чегириб қолган ҳолда Сұғурталовчи ТВ ни таъмирлаш ёки лицензияга эга эксперт ташкилоти тузган таъмирлаб қайта тиклаш наряди-буортмаси/калькуляциясида кўрсатилган, аммо ушбу Шартноманинг 1-илювасининг 3 (А) қисмида кўрсатилган сұғурта пулидан кўп бўлмаган миқдорда.

Сұғурталовчи шунингдек:

1. ТВ ни таъмирлаш жараёнида аниқланган, сұғурта ҳодисаси туфайли юз берган ва лицензияга эга эксперт ташкилоти томонидан ҳужжатлар билан тасдиқланган яширин заарларни тузатиш билан боғлиқ харажартларни;

2. Сұғурта ҳодисаси содир бўлиши оқибатида ТВ га етказилган заарнинг ваколатли эксперт ташкилоти томонидан баҳоланиши билан боғлиқ харажатларни ҳам қоплади.

**Махсус шартлар**

<b>UZBEKINVEST</b> <b>GK 23</b>	<b>Транспорт воситаларини ихтиёрий сұғурта қилиш шартномаси</b>	<b>FK-56_K1_K3_K10 uz</b>  Бетлар: 17 дан 8 бет Сана: 01.11.2021 й.
------------------------------------	---	--

1. Агар, Сұғурта қилдирувчи содир бўлган йўл транспорт ҳодисаси бўйича айбдор деб топилган ҳолда, сұғурталанган транспорт воситасига етказилган зарар учун сұғурта товони ушбу ихтиёрий сұғурта шартномаси бўйича қопланади.

Агар, Сұғурта қилдирувчи содир бўлган йўл транспорт ҳодисаси бўйича жабрланувчи деб топилган тақдирда, сұғурталанган транспорт воситасига етказилган зарар учун сұғурта товони транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини сұғурта қилиш бўйича олинган сұғурта товонидан кейин тўланади, бунда заарнинг тўланмаган қисми эса ушбу ихтиёрий сұғурта шартномаси бўйича қопланади ва мажбурий ва ихтиёрий сұғурта сұғуртаси бўйича тўланган сұғурта товонининг умумий суммаси жабрланувчининг молмулкига етказилган ҳақиқий заардан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

2. Сұғурта қопламаси тўлангандан кейин, амалдаги қонун ҳужжатларига биноан автотранспорт воситасини бошқариш хуқукига эга бўлган шахсга нисбатан регресс хуқуки қўлланилмайди, агар мазкур шахс қастдан зарар етказганган булса тепада кўрсатиб ўтилган шарт бундан истисно.

**9.1.3. Учинчи шахсларга тан жароҳатлари ва/ёки моддий зарар етказилганда – Сұғурта қилдирувчи учинчи шахсларга тан жароҳатлари ва/ёки моддий етказган зиёни миқдорида (ёки суд қарори билан Сұғурта қилдирувчига хукм қилинган миқдорда), аммо ушбу Шартномага 1-илованинг 4(A) қисмида кўрсатилган сұғурта пулидан ортиқ бўлмаган миқдорда.**

**9.1.4. Ҳайдовчи ва йўловчилар тан жароҳатлари олганларида сұғурта таъминоти тўлови ушбу Шартнома 1-иловасининг 5(A) қисмида кўрсатилган сұғурта пулининг қуйидаги фоизлари миқдорида амалга оширилади:**

(I) соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашишига ёки меҳнат қобилиятининг вактинчалик турғун йўқолишига олиб келган енгил тан жароҳатлар учун - 10%;

(II) ўртача оғирликдаги тан жароҳатлари учун – 40%;

(III) оғир тан жароҳатлари учун – 80%;

(IV) Ҳайдовчи ва йўловчилар ҳалок бўлганда – 100%.

Ҳайдовчи ва йўловчиларга ушбу Шартноманинг 3.3-бандига биноан қопланувчи ҳар бир сұғурта ҳодисаси бўйича тўланадиган сұғурта тўловларининг умумий миқдори илгари тўланган пулларни ҳисобга олган ҳолда ушбу Шартномага 1-илованинг 5(B) қисмида кўрсатилган сұғурта пулининг 100%идан ошмайди.

9.2. Ушбу Шартноманинг 3-бўлими 3.1, 3.2, 3.3-бандларида қайд этилган сұғурта ҳодисаси юз берганда, агар Сұғурта қилдирувчи сұғурта пулини тиклаш учун қўшимча сұғурта мукофотини тўламаса, Сұғурталовчи амалга оширган ҳар бир тўлов сұғурта пули миқдорини ана шу тўлов миқдорига камайтиради.

9.3. Сұғурталовчи сұғурта қопламасини Сұғурта ҳодисаси ҳақидаги далолатнома имзоланган пайтдан бошлаб 15 (үн беш) кун ичida Сұғурта қилдирувчи/ҳайдовчи/йўловчи/Наф оловчининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан тўлади.

9.4. Сұғурта қилдирувчи ёки манфаатдор шахсга ТВ заараланганлиги сабабли сұғурта қопламаси тўлангандан сўнг етказилган зарар айбдор ёки бошқа шахс томонидан ҳам қопланса, Сұғурта қилдирувчи ёки манфаатдор шахс ушбу сумма миқдоридаги сұғурта қопламасини Сұғурталовчига қайтариши шарт.

## **10-БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ ВА ТЎХТАТИЛИШИ**

10.1. Ушбу Шартнома томонлардан бирининг ёзма аризасига мувофиқ исталған пайтда бекор қилиниши мумкин. Бунинг учун бошқа томон бу ҳақда бекор қилиш мўлжалланаётган санадан камида 30 (үттиз) кун олдин хабардор қилиниши керак, аммо Шартноманинг бекор қилиниши учинчи томоннинг манфаатларига даҳлор бўлган ҳоллар бундан мустаснодир.

Агар ушбу Шартноманинг бекор қилиниши учинчи томоннинг манфаатларига даҳлор бўлса, унинг ёзма розилиги зарур бўлади.

10.2. Сұғурталовчи ўз мажбуриятларини бузганилиги муносабати билан Сұғурта қилдирувчи ушбу Шартномани муддатидан олдин бекор қилинишини талаб қилган тақдирда, тўланган сұғурта мукофотининг ҳаммаси қайтарилиши лозим. Мажбуриятлар бузилмаган тақдирда сұғурта

